

Генеральный директор
Ток ҳаво йўллари
Рафиков Р.М.

Полномочный министр Посольства
Нидерландов в Москве
Джонкир фон Мюлен

Ўзбекистон Республикаси
ва Нидерланд Қироллиги

ўртасида ўзларининг тегишли ҳудудлари орасида
ва ҳудудларидан ташқарида ҳаво қатнови тўғрисидаги

Б И Т И М

Ўзбекистон Республикаси ва Нидерланд Қироллиги,

1944 йилнинг 7 декабрида Чикагода имзолаш учун очилган
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг аъзолари экан-
лигини ҳисобга олиб;

халқаро фуқаро авиацияси тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш ис-
тагида;

ўзларининг тегишли ҳудудлари орасида ва ҳудудларидан
ташқарида ҳаво қатновини ўрнатиш мақсадида Битим тузиш истагини
билдириб

қуйидаги шарт-шароитларни ахдлашиб олдилар:

1-Модда

Атамалар

1. Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битим ва
унинг Иловаси мақсадлари йўлида:

- a) "Конвенция" атамаси 1944 йил еттинчи декабрда Чикагода им-
золаш учун очилган халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги
Конвенцияни англатади ва ҳар иккала Ахдлашувчи Томон қай
даражада эътироф этишига ёки тасдиқлашига қараб ушбу Кон-
венциянинг 90-моддасига мувофиқ киритилган ҳар қандай Ило-
вани ҳамда Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига мувофиқ Ило-
валарга ва Конвенцияга киритилган ҳар қандай тузатишларни
Ўз ичига олади;
- b) "авиация маъмурлари" атамаси Ўзбекистон Республикасига нис-
батан фуқаро авиацияси бош директорини; Нидерланд Қиролли-
гига нисбатан эса транспорт, ижтимоий ишлар ва сув хўжалиги
вазирини; ёки ҳар қандай ҳолда юқорида уқтириб ўтилган маъ-

мурлар бажарадиган ишларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни англатади;

- с) "тайинланган авиакорхона" атамаси ушбу Битимнинг 4-моддасига мувофиқ тайинланган ва ваколат берилган авиация корхонасини англатади;
- д) "ҳудуд" атамаси Давлатга нисбатан Конвенциянинг 2-моддасида унга белгиланган мазмунни англатади;
- е) "ҳаво қатнови", "ҳалқаро ҳаво қатнови", "авиакорхона" ва "нотижорий мақсадларда тўхташ" атамалари уларга Конвенциянинг 96-моддасида тегишли равишда киритилган маъноларни англатади;
- ф) "келишилган ҳаво қатновлари" ва "белгиланган йўналишлар" атамалари ушбу Битимнинг 2-моддасига мувофиқ равишда белгиланган халқаро ҳаво қатновини ва ушбу Битим Иловасида тегишли равишда белгиланган йўналишни англатади;
- г) "заҳиралар" атамаси озик-овқат заҳираларини ўз ичига олган ҳолда, парвоз вақтида ҳаво кемаси бортида сотиш ёки ишлатиш учун мўлжалланган истеъмолга тайёр ҳолдаги буюмларни англатади;
- ҳ) "Битим" атамаси ушбу Битим, унга киритилган Иловани ва Битимга ёки Иловага киритилган ҳар қандай тузатишларни англатади;
- и) "тариф" атамаси йўловчиларни (ва уларнинг юкларини) ва юкларни (почтани ўз ичига олмаган ҳолда) ташиш учун ҳар қандай шахсдан ёки мавжуд ташкилотдан авиакорхоналар томонидан бевосита ёки унинг агентлари орқали олинган ёки олинадиган қийматлар миқдорини англатади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:
 - I. қийматнинг амалда мавжудлиги ва қўлланилишини бошқариб турадиган тартиб-қоидалар, ва
 - II. авиакорхоналар томонидан шундай ташув жараёнларида унга қўшимча равишда киритилган ҳар қандай хизматларнинг ҳаражатлари ва тартиб-қоидалари;
- й) "ҳаво кемасини алмаштириш" атамаси тайинланган авиакорхона томонидан шартлашилган ҳаво қатновларидан бирининг парвоз-

ларининг шундай амалга оширилишини англатадики, бунда масо-
фанинг бир ёки бир неча қисми мобайнида парвозлар бир ҳаво
кемаси томонидан амалга оширилса, бошқа бир қисми ҳажми
жиҳатидан фарқ қиладиган иккинчи бир ҳаво кемаси ёрдамида
амалга оширилади;

- к) "Компьютерда жой банд қилиш тизими" атамаси шундай компь-
ютер тизимини англатадики, бунда авиакорхона парвозлар жад-
валлари, жойларнинг мавжудлиги, нархлар ва қўшимча хизмат-
лар тўғрисида маълумот мавжуд бўлади ва ушбу тизим ёрдамида
жойларни банд қилиш ва/ёки чипталарни сотиш мумкин бўлади
ҳамда ушбу тизим саёҳат агентларининг бу барча қулайликлар
ёки улардан бир нечасидан фойдаланишини таъминлайди.

2-Модда

Ҳуқуқларнинг берилиши

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга, Иловада
бошқа бирон нарсага келишилмаган бўлса, иккинчи Аҳдлашувчи
Томоннинг тайинланган авиакорхонаси халқаро авиаташув ишларини
амалга ошириш учун:

- а) ўзининг ҳудудидан қўнмаган ҳолда учиб ўтиш ҳуқуқини;
- б) ўз ҳудудида тижоратга тааллуқли бўлмаган мақсадда қўниш
ҳуқуқи; ва
- с) белгиланган йуналишлар бўйича келишилган ҳаво қатновларини
амалга ошириш мақсадида парвозлар вақтида йўловчилар,
йўловчи юки, юк ва почтани биргаликда ёки алоҳида олиш ёки
тушириш мақсадида қўниш ҳуқуқини беради.

2. Ушбу модда 1-бандининг ҳеч қайси қондаси бир Аҳдлашувчи Томон-
нинг авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги ман-
зиллар оралиғида ташиш ишларида қатнашиш ҳуқуқини беради деб
қаралмаслиги лозим.

3-Модда

Ҳаво кемасини алмаштириш

1. Ҳар қайси тайинланган авиакорхона ўз ихтиёрига боғлиқ равишда шартлашилган ҳаво қатновларининг ҳар қайси ёки барча парвозларида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ёки белгиланган йўналишлардаги ҳар қандай манзилда ўз ҳаво кемасини алмаштириши мумкин, ба-

шарти:

- а) ҳаво кемасининг алмаштирилиш манзилидан ташқарида ишлатиладиган ҳаво кемаси, шароитга қараб, ўзининг мамлакатига учиб келадиган ёки ундан учиб кетадиган ҳаво кемасига мутаносиб бўлган ҳолда жадвалга киритилган бўлиши лозим;
- б) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ҳаво кемасини алмаштирилган тақдирда ва алмаштирилган манзилдан ташқарида биттадан ортиқ ҳаво кемаси ишлатилган ҳолда катталиги жиҳатидан биринчи ҳаво кемасига биттадан ортиқ ҳаво кемаси тенг бўлмаслиги лозим ва йўналишнинг учинчи ва тўртинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқи берилган қисмида фойдаланилган ҳаво кемаларидан ҳеч бири катта бўлмаслиги лозим.

2. Парвозлар жараёнида ҳаво кемасини алмаштирилган тақдирда тайинланган авиакорхона ўзининг шахсий буюмларидан ва миллий қонунларга биноан, йжарага олинган мосламалардан фойдаланиши мумкин ва бошқа авиакорхона билан тижорий алоқалар асосида парвозларни амалга ошириши мумкин.

3. Тайинланган авиакорхона ҳаво кемаси алмаштирилган қисмлардаги парвозларнинг сонларини ўзгартириши ёки аввалги ишлатилган парвоз сонидан фойдаланиши мумкин.

4-Модда

Авиақорхона тайинлаш ва ваколат бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Иловада белгиланган йўналишлар бўйича келишилган ҳаво қатновларини амалга ошириш мақсадларида бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик воситалар орқали ёзма тарзда хабардор этган ҳолда бир авиақорхонани тайинлаш, шунингдек, тайин-

ланган аввалги, авиакорхона ўрнига бошқа авиакорхонани тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Бундай тайинлаш тўғрисидаги хабарни олганидан кейин бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига парвозларни амалга ошириш учун дарҳол тегишли рухсатнома беради.

3. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ парвозларни амалга ошириш учун рухсатномани қўлга киритган тайинланган авиакорхона ҳаво катновини ҳоҳлаган вақтида қисман ёки тўлалигича бошлаши мумкин, башарти, у ушбу Битим қоидаларини бажарса ва мазкур катновлар учун ушбу Битимнинг 6-моддаси қоидаларига мувофиқ тарифлар ўрнатилган бўлса.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири ушбу модда 2-бандида қайд этилган рухсатномани беришни инкор қилишга ёки бу рухсатномани авиакорхонага устун эгаллик қилиш ва унинг фаолияти устидан ҳақиқий назорат қилиш ҳуқуқи авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига ёки икковига биргаликда қарашли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда тайинланган авиакорхонага ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланаётганида бажариши зарур деб ҳисоблайдиган шартлар ижро этилиши шarti билан бериш ҳуқуқига эгадир.

5-Модда

Парвозга доир рухсатномаларни бекор қилиш ёки амалда тўхтатиб қўйиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига 4-моддада қайд қилинган рухсатномаларни бермай туришга, бекор қилишга ёки амалда тўхтатиб қўйишга ёки қуйидаги шартларнинг бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир:

а) мазкур авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари томонидан Конвенцияга мувофиқ одатда ва оқилона меъёردа қўлланиладиган қонун ва қоидалари талабига жавоб бермаган тақдирда;

- b) мазкур авиакорхона ҳуқуқ берган Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига риоя этмаган тақдирда;
- c) авиакорхонага устун даражада эгаллик қилиш ва унинг устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ушбу авиакорхонани тайинланган Аҳдлашувчи Томонга ёки/ва унинг фуқароларига қарашли эканлигига ишонч ҳосил бўлмаган тақдирда;
- d) авиакорхона ушбу Битим қоидаларига мувофиқ қайсидир сабабларга кўра парвозларни амалга ошира олмаётган бўлса.

2. Агар зудликдаги ҳаракат юқоридаги қайд қилинган қонун ва қоидаларнинг бундан буён яна бузилиши олдини олиш учун зарур огоҳлантириш деб топилмаса, ушбу модданинг 1-бандида келтирилган ҳуқуқлардан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари билан ўтказиладиган маслаҳатлашувлардан сўнггина фойдаланилиши мумкин. Агарда, ўзаро бошқа нарса хусусида келишилмаса, бундай маслаҳатлашувлар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан бошлаб олтмиш (60) кун ичида ўтказилиши лозим.

6-Модда Тарифлар

1. Аҳдлашувчи Томонлар тайинланган авиакорхоналарининг уларнинг ҳудудлари оралиғида ташишда қўллайдиган тарифлар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ўртасида тасдиқланиши лозим ва улар барча тегишли омилларни ҳисобга олган ҳолда, жумладан фойдаланишга кетадиган харажатларга, фойданинг оқилона миқдори ва бошқа авиакорхоналарнинг белгиланган йўналишнинг ҳар қандай қисмига белгилаган тарифларига асосланиб, оқилона меъёрларда белгиланади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида уктириб ўтилган тарифлар имкон қадар таклифларни шакллантирувчи Халқаро-авиация ташкилотининг тарифларни белгилаш жараёнларини қўллаш асосида тайинланган авиакорхоналарнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланиши лозим. Агарда бунинг имкони бўлмаса тарифлар тайинланган авиакорхоналар ўртасида келишилиши лозим. Ҳар қандай ҳолда ҳам тарифлар ҳар икки Аҳдла-

шувчи Томон авиация маъмурларининг тасдигидан ўтиши лозим.

3. Бундай тарзда ўзаро мувофиқлаштирилган тарифлар улар жорий этилиши тахминланган кунга камида олтмиш кун қолганида ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларининг тасдиғига тақдим этилиши шарт. башарти махсус ҳолларда уқтириб ўтилган маъмурлар бу муддатни келишув асосида қисқартирмасалар.

4. Тарифларни соддароқ усулда ҳам тасдиқлаш мумкин; ёки тасдиқ учун тақдим қилинган кундан бошлаб ўттиз (30) кун ичида авиация маъмурларидан ҳеч қайси бири ушбу модданинг 3-банди қоидаларига мувофиқ ўз норозилигини билдирмаса, бу тарифлар тасдиқланган ҳисобланади. 3-бандда кўрсатиб ўтилганидай тақдим этиш муддати қисқартирилган тақдирда, авиация маъмурлари норозиликни билдириш муддатини ҳам тегишли равишда қисқартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

5. Агарда, тариф борасида ушбу модда 2-бандига мувофиқ бир қарорга келинмаса ёки ушбу модда 4-бандига мувофиқ қўлланиладиган муддат ичида авиация маъмурларидан бири бошқа авиация маъмурларини ушбу модда 2-бандига мувофиқ келишилган тарифларга ўз норозилиги тўғрисида огоҳ этган тақдирда иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ўзаро келишувга мувофиқ тарифни белгилашга ҳаракат қилишлари лозим.

6. Башарти, авиация маъмурлари ушбу модда 3-банди қоидаларига мувофиқ тақдим этилган тарифлар борасида ёки ушбу модда 5-банди қоидаларига мувофиқ тариф белгилаш юзасидан бир қарорга кела олмасалар, ушбу баҳс ушбу Битимнинг 18-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

7. Ушбу модданинг қоидаларига биноан белгиланган тарифлар янги тарифлар белгилангунга қадар ўз кучида қолади.

8. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ тасдиқланган тарифлардан фарқ қиладиган бошқа тарифларни белгиламасликлари лозим.

7-Модда
Тижорат фаолияти

1. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига қуйидаги фаолият турларига рухсат этилади:

- а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида авиаташув ишларини олға силжитиш ва авиачипталарни сотиш учун ўз ваколатхонасини очиш ҳамда авиаташув ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хизматлар ва қулайликларни ташкил этиш;
- б) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бевосита ёки авиакорхонанинг ихтиёрига кўра унинг вакиллари орқали авиаташув ҳужжатларини сотиш билан шуғулланиш;

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида авиаташув ишларини амалга ошириш эҳтиёжларига мувофиқ келувчи ўз бошқарувчи, тижорат, техник ва парвозларга доир мутахассис ва парвозларга доир зарурий ходимларга эга бўлган ваколатхоналар таъсис этиш ва фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга.

3. Бу ходимларга бўлган эҳтиёжлар тайинланган авиакорхонанинг ихтиёрига молиқ равишда унинг ўз ходимлари орасидан олиниши ёки бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида керакли хизматларни амалга оширувчи ва амалга оширишга ваколатга эга бўлган ҳар қандай ташкилот, компания ёки авиакорхонанинг хизматидан фойдаланилган ҳолда қондирилиши мумкин.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

8-Модда
Ҳаққоний рақобат

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган халқаро авиаташув ишларини амалга ошириш жараёнида ҳаққоний ва тенг имкониятларга эга бўлиши лозим.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири бир-бирини ажратишнинг барча шакллари ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхоналарининг рақобатдаги ҳолатига ноодил таъсир етказувчи нотенг рақобат малакаларига барҳам бериш учун ўз юрисдикциясидаги барча тегишли чора-тадбирларни кўрадилар.

9-Модда

Парвозлар жадвали

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси иккинчи Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларини ўзининг мўлжаллаган парвозлари бошланишидан қирқ беш (45) кун аввал ушбу парвозларнинг жадвали, такрорийлиги, ҳаво кемасининг тури, йўловчиларга мансуб бўлган ўриндиқларнинг жойлашуви ва ўринлар сони тўғрисида хабар бериши лозим.

2. Қўшимча парвозларни амалга ошириш учун бўлган талабномалар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига тасдиқ учун тайинланган авиакорхона томонидан бевосита тақдим этилади.

10-Модда

Солиқ ва божлардан озод қилиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасига қарашли халқаро ҳаво катновларида фойдаланилаётган ҳаво кемалари, шунингдек, шу кемадаги рўйхатдаги мулк, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи захиралари ва мойлаш ашёлари, борт захиралари (озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ўз ичига олган ҳолда), шунингдек, ҳаво кемасида сақланадиган реклама ва эълон маҳсулотлари, башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига келган вақтдан токи қайтиб кетгунга қадар ҳаво кемаси ичида қолса, барча божхона йиғимлари ёки назорат солиқлари ва шунинг сингари давлат ёки маҳаллий йиғим ва ҳаражатлардан озод қилинади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ёки унинг номидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига олиб кирилган ёки мазкур тайинланган авиакорхона томонидан фойдаланилаётган

ҳаво кемасига олинган ва фақат халқаро ҳаво йўлларида парвозларни амалга ошириш вақтида фойдаланиш учун мўлжалланган рўйхатдаги мулк, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи захиралари ва мойлаш маҳсулотлари ҳамда ҳаво кемаси захиралари, гарчи ушбу захиралар уларни олинган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудуди устидан амалга ошириладиган парвозлар вақтида ишлатилса ҳам, улар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олинадиган божлар ва йиғимлардан, улар ўз ичига божхона бождари ва назорат йиғимларини ҳам олади, озод қилинади.

Юқорида уқтириб ўтилган буюмлар божхона кузатуви ёки назорати остига олиниши талаб қилиниши мумкин.

Ушбу банднинг қоидалари, юқорида кўрсатиб ўтилган буюмлар учун божхона бождарини тўланган ҳолда Аҳдлашувчи Томонга бождарини қайтариш мажбурияти юкланади, деган маънода талқин қилинмаслиги лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан хоҳлаган бири фойдаланадиган ҳаво кемасидаги рўйхатдаги мулк, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи захиралари ва мойлаш маҳсулотлари ҳамда ҳаво кемаси захиралари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида фақатгина шу ҳудуддаги божхона маъмурларининг розилиги билан ҳаво кемасидан туширилиши мумкин, бу Аҳдлашувчи Томон эса ушбу буюмлар қайтиб олиб чиқиб кетилгунгаар ёки божхона қоидаларига мувофиқ бошқа жойга кўчирилгунга қадар ўз назорати остида ушлаб турилиши талаб қилиниши мумкин.

11-Модда

Икки томонлама солиқ солиш

1. Халқаро ҳаво қатновида машғул бўлган ҳаво кемасининг парвозларидан тушган даромад ва фойдага фақат ўша корхонанинг ўз бошқарма идораси жойлашган Давлатдагина солиқ солинади.
2. Халқаро авиаташув ишларида машғул бўлган ҳаво кемасининг бегоналаштирилишидан тушган даромадга фақат ўша корхонанинг ўз бошқарма идораси жойлашган Давлатдагина солиқ солинади.
3. Халқаро ҳаво қатновида машғул бўлган ҳаво кемаларининг ва ўша ҳаво кемаларининг парвозига тегишли бўлган ҳаракатдаги мулк томонидан қўйилган капиталга фақат ўша корхонанинг ўз бошқарма

идораси жойлашган Давлатдагина солиқ солинади.

4. Ушбу модда 1-бандининг қоидалари ҳамкорликдаги, қўшма савдо фаолияти (пуль), ёки халқаро парвозлар вакиллигидан келадиган фойда ва даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

5. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тузилган даромад ва фойдага икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимда ушбу модданинг 1-4 бандларидаги қоидалардан фарқли ўлароқ жараёнлар назарда тутилса, бу ҳолда даромад ва фойдага икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим қоидалари қўлланилади.

12-Модда

Даромад маблағларини ўтказиш

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ҳар икки Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўз ихтиёрига молик равишда бевосита ёки вакил орқали ҳар қандай пул бирлигида авиатранспорт хизматларини эркин сотишга ҳуқуқли бўлади.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига авиаташув ҳужжатларини сотилган ҳудудда тушган маблағларнинг ҳаражатлардан ортган даромад қисмини авиаташувлар сотилган ҳудуддан ўз ватани ҳудудига эркин ўтказиш ҳуқуқи берилади. Топилган бундай фойдани ўтказиш авиатранспорт хизматлари ва ёрдамчи ёки қўшимча хизматларнинг бевосита ёки бавосита сотилишидан тушган фойда(дан) ҳамда ўтказилишини кутаётган депозит вақтидаги маблағлар орқасидан ишлаб топилган меъёрдаги тижорат манфаатида ишлаб топилган маблағлардан ташкил топган бўлиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ариза берган кунидан бошлаб узоғи билан ўттиз (30) кун ичида сотув амалга оширилган кундаги маҳаллий пулнинг эркин алмашланадиган пулга бўлиқ қиймати ҳисобида бундай ўтказишга розилик олиши лозим.

Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари пул маблағларини ўтказишга бундай розиликни олганларидан сўнг бу ишни эркин амалга ошира оладилар.

13-Модда

Қонунлар ва қоидаларнинг қўлланилиши

1. Ҳар қайси Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро парвозларни амалга ошираётган ҳаво кемасининг ўз ҳудудига учиб келиши ёки ундан жўнаб кетишини ёхуд бу ҳаво кемасининг ўша ҳудуд устидан парвозларини ёки ушбу ҳаво кемаларининг навигациясини тартибга солувчи қонун ва қоидаларига иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан шу уқтириб ўтилган ҳудудга кириб келишда, унда бўлиб туриш ва ундан жўнаб кетиш вақтида уларга амал қилиниши лозим.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг муҳожирлик, паспортлар ёки тасдиқланган сафар ҳужжатлари, ўз ҳудудига келиш, кетиш, божхона ва карантинга тааллуқли қонун ва қоидалари, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига қарашли ҳаво кемаси ёрдамида ташиб келтирилган экипажлар, йўловчилар, юк ва почта томонидан ёки номидан уларнинг уқтириб ўтилган Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириб келишда, унда бўлиб туришида ва жўнаб кетиш вақтида амал қилинади.

3. Ҳоҳлаган бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан тўғри транзит орқали ўтадиган ва бу мақсад учун тайёрагоҳ ҳудудида ажратилган жойдан четга чиқмайдиган йўловчилар, уларнинг юки ва юklar юзаси кўздан кечирилади, қўпоровчилик ва ҳавода содир этиладиган қароқчилик ҳаракатларига қарши хавфсизлик тадбирлари бундан мустаснодир. Тўғри транзит орқали олиб ўтиладиган йўловчи юklари ва юklar барча хил божхона божлари ва шунинг сингари йиғимлардан озод қилинади.

4. Ҳар қайси Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаво кемаси парвозларидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайёрагоҳ ва қатновни таъминлаш воситаларидан фойдаланганлик ва унга кўрсатилган хизматлар учун олинadиган йиғимлар худди шундай парвозларни амалга оширувчи бошқа авиакорхоналар ҳаво кемалари тўлайдиган йиғимлардан юқори бўлмаслиги керак.

5. Ҳеч қайси бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг назоратидаги божхона, муҳожирлик, карантин ва шунинг сингари қоидаларнинг қўлланилишида

ёки тайёрагоҳлар, ҳаво йўллари ва авиайўловчиларни ташиш хизматлари ва жамланган қулайликларидан фойдаланганлик учун ҳар қандай бошқа авиакорхонага бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига нисбатан устиворликка йўл қўймайди.

14-Модда

Гувоҳнома ва рухсатномаларни тан олиш

Бир Аҳдлашувчи Томон берган ёки кучга эга деб билган ва муддати тугамаган учишга яроқлилиги тўғрисидаги гувоҳнома, ваколати ва рухсатлари тўғрисидаги гувоҳномаларни бошқа Аҳдлашувчи Томон шартлашилган йўлларда белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновини амалга ошириш мақсадида тан олади, башарти-ки, мазкур гувоҳномалар ёки рухсатномалар Конвенцияда белгиланган меъёрлар асосида берилган ёки ҳақиқий деб тан олинган бўлса.

Бироқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг ҳудуди устида парвозларни амалга ошириш вақтида ўз фуқароларига бошқа Аҳдлашувчи Томондан берилган ваколатлар ва рухсатномалар тўғрисидаги гувоҳномаларни тан олишни инкор этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

15-Модда

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига заруриятга қараб ҳаво кемасини тутқун қилиш ва ҳаво кемаси, тайёрагоҳлар ва ҳаво навигацияси мосламалари хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа саъй-ҳаракатларни ва фуқаро авиациясига нисбатан туғилган хавфни бартараф этиш юзасидан бир-бирларига керакли барча ёрдамни кўрсатишга розидирлар.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириш ва йўловчилар ҳамда уларнинг олиб кетаётган буюмларини текшириш тадбирлари учун зарур бўлган, ажратишларга йўл қўймайдиган ва умумий қўлланмададиган хавфсизлик қоидаларини сақлашга ҳар қайси Аҳдлашувчи Томон розилик беради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаво кемаси ёки ундаги йўловчиларга туғилган

аниқ бир хавфнинг олдини олиш борасидаги махсус хавфсизлик тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги илтимосини ҳайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

3. Аҳдлашувчи Томонлар Халқаро Фуқаро авиацияси ташкилоти белгиланган хавфсизлик қоидаларига мувофиқ равишда ҳаракат қиладилар. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур қоидаларни бажаришдан чекинса, иккинчи Аҳдлашувчи Томон ўша Аҳдлашувчи Томонга маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисида талабнома киритиши мумкин. Башарти, бошқача аҳдлашувга эришилмаса, бу маслаҳатлашувлар талабнома тушган кундан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим. Томонларни қониқтирадиган аҳдлашувга эришилмаган ҳолат ушбу Битим 18-моддасининг қўлланилишига асос бўлиши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Томонлар қуйида келтирилган Конвенцияларга улар ҳар икковининг қай даражада аъзо эканлигига қараб, ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа баъзи бир ҳаракатларга оид 1963 й. 14 сентябрда Токиода имзоланган Конвенция қоидаларига, 1970 й. 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний тутқун қилиб олиш билан курашиш тўғрисидаги Конвенцияга, 1971 й. 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар билан кураш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ равишда ҳаракат қиладилар.

5. Фуқаро ҳаво кемасини ноқонуний равишда тутқун қилиб олиш хавфи туғилган ҳолда ёки ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатлар, унинг йўловчилари ва экипажига, тайёрагоҳларга ва навигация билан таъминлаш воситаларига бирон кор-ҳол бўлганда ёки бирон кор-ҳол бўлиш хавфи туғилганда бу кор-ҳол ёки хавфни тезликда ва самарали бартараф этиш учун Аҳдлашувчи Томонлар алоқа боғлашни енгиллаштириш орқали бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

16-Модда

Компьютерда жой банд қилиш тизими

1. Аҳдлашувчи Томонлар қуйидагиларга ўз розиликларини билдирадилар:

- a) ҳаво транспорти хизматларидан фойдаланувчиларнинг манфаатлари нотўғри тушунча беришни ўз ичига олган ҳар қандай маълумотдан нотўғри фойдаланишдан ҳимоя қилинган бўлиши лозим;
- b) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ва авиакорхона вакиллари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ~~иск~~ланмаган ва ажратилишларга йўл қўйилмайдиган Компьютерда жой банд қилиш тизими (КЖБҚТ) эга бўлиши ва ундан фойдалана олиши лозим;
- c) Нидерландия ҳудудида Европа иқтисодий жамияти томонидан қабул қилинган КЖБҚТ бошқарма коди устивор ҳисобланади, аynи вақтда Ўзбекистон ҳудудида ҳам кенг тарқалган КЖБҚТнинг ФАОТ (ЕСАС-english) (Фуқаро авиацияси Европа ташкилоти) бошқарма коди қўлланилади.

2. Ҳар қайси Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ўз бошланғич тизими деб қабул қилган КЖБҚТга ўзининг (биринчи Аҳдлашувчи Томон) ҳудудида эркин ва зарар келтирилмайдиган ҳолда иш юритишини кафолатлайди. Ҳеч қайси бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ўзининг тайинланган авиакорхонаси КЖБҚТга бўлган талабларидан ортиқ даражадаги талабларни юклай ёки юкланишига рухсат бера олмайди, бинобарин :

- a) КЖБҚТни намоён қилиш ва муҳаррирлик қоидаларини ўз ичига олган КЖБҚТ хизматларини амалга ошириш ва ушбу хизматлари орқали сотиш ишлари;
- b) алоқа воситаларига аралашуш ва улардан фойдаланиш, техник аппарат воситалари ва программани таъминлаш воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш ёки аппарат воситаларини ўрнатиш.

17-Модда

Маслаҳатлашув ва тузатиш

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари яқиндан ҳамкорлик қилиш руҳида ушбу Битимнинг қоидалари бажарилиши ва қоникарли даражада амалга оширилишини таъминлаш нуқтаи-назаридан

вакти-вакти билан маслаҳатлашувлар ўтказиб туришади.

2. Ҳоҳлаган Аҳдлашувчи Томон ушбу Битим ёки унинг Иловасига ўзгартириш киритиш нуқтаи-назари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисида талабнома кирита олади. Башарти бошқача аҳдлашувга эришилмаган тақдирда, бу маслаҳатлашувлар уни ўтказиш тўғрисида талабномани иккинчи Аҳдлашувчи Томон олган кунидан бошлаб олтмиш (60) кун ичида ўтказилиши лозим. Бундай маслаҳатлашувлар музокаралар ёки ёзишмалар кўринишида амалга оширилиши мумкин.

3. Ушбу Битимга Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги келишув асосида киритилган ҳар қандай ўзгариш улар ўз қомусий қоидаларини ба-жарганликлари тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор этган кундан бошлаб кучга киради.

4. Ушбу Битимнинг Иловасига киритиладиган ҳар қандай ўзгариш авиация маъмурлари ўртасида ёзма равишда келишилиши лозим ва у мазкур маъмурлар белгилаган кундан бошлаб кучга киради.

18-Модда

Баҳсларга барҳам бериш

1. Ушбу Битимни талкин қилиш ёки қўллаш юзасидан Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида низо келиб чиқса, Аҳдлашувчи Томонлар уни биринчи навбатда ўзаро музокаралар орқали ҳал этишлари лозим.

2. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар орқали муросага кела олмасалар, бу баҳс Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бирининг талабига биноан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан тайинлайдиган икки ҳакам ва ана шу икки ҳакам тайинлайдиган яна бир ҳакамдан иборат, жами уч ҳакамдан ташкил топадиган ҳайъатга топширилиши лозим, бироқ учинчи ҳакам Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч қайси бирининг фуқароси бўлмаслиги лозим. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон дипломатик восита орқали бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг низони ҳакамликда ҳал этиш тўғрисидаги талабини олганидан кейин олтмиш (60) кун ичида биттадан ҳакам тайинлайди, учинчи ҳакам эса, юқоридаги икки ҳакам маълум бўлган кундан эътиборан кейинги олтмиш (60) кун ичида тайинланиши лозим. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири белгиланган олтмиш (60) кунлик муддат ичида ўз ҳакамини тайинлай олмаса ёхуд

учинчи ҳакам, белгиланган муддат ичида тайинланмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Кенгаши Президентидан ҳакамни ёки ҳакамларни тайинлашни илтимос қилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ чиқарилган ҳар қандай қарорни бажариш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

19-Модда

Битим амал қилишини тўхтатиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири ҳоҳлаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимни амалдан тўхтатиш истагида эканлигидан ёзма равишда дипломатик воситалар орқали хабардор қилиши мумкин. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотига ҳам юборилиши лозим. Бу ҳолатда хабарнома юборилгандан кейин бошқа Аҳдлашувчи Томон уни олгач, ушбу Битим ўн икки (12) ой ичида амал қилишдан тўхтайдиган, башарти мазкур муддат ўзаро келишув асосида орқага қайтариб олинмаса. Башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти хабарнома олганидан кейин ўн тўрт (14) кун ўтгач бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган ҳисобланади.

20-Модда

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатга олиш

Ушбу Битим ва унга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатга олиниши лозим.

21-Модда

Кўп томонлама битимларнинг қўлланилиши

1. Конвенциянинг қоидалари ушбу Битимга нисбатан ҳам қўлланилади.
2. Ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган масала бўйича ҳар икки Аҳдлашувчи Томон ҳам аъзо бўлган кўп томонлама битим кучга кирган

тақдирда ўша битимнинг мақбул қоидалари мазкур Битимнинг мақбул қоидаларидан устивор даражада деб ҳисобланилиши лозим.

22-Модда
Қўлланилиш

Нидерланд Қироллигига нисбатан қўлланганда ушбу Битим фақат Европадаги Қиролликка тегишли бўлади.


23-Модда
Битимнинг кучга кириши

Ушбу Битим ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз битимларининг кучга кириши учун лозим бўлган қонунчилик зарурий тартиботини тўла-тўқис бажарганлиги тўғрисида ёзма равишда хабар берган кундан бошлаб иккинчи ойнинг биринчи кунидан кучга киради, унгача қўл қўйилган санадан кейин ўттизинчи кундан бошлаб шартли равишда қўллаб турилади.


Ушбунини тасдиқлаб, ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг мухтор вакиллари мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 1995 йил "17" октябрда ўзбек, нидерланд ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, ҳар уч тилдаги матн бир хил кучга эга. Фикрларда номувофиқлик бўлган тақдирда инглиз тилидаги матн устивор даражада қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси
ноmidан



Нидерланд Қироллиги
ноmidан



Ўзбекистон Республикаси ва Нидерланд Қироллиги
ўртасида, ўзларининг тегишли ҳудудлари орасида ва
ҳудудларидан ташқарида ҳаво қатнови тўғрисидаги Битимга

И Л О В А

1. Ўзбекистон Республикаси тайинланган авиакорхонасига қуйида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновини амалга оширишга ҳуқуқ берилади:

Ўзбекистондаги манзиллар - оралик манзиллар - Нидерландиядаги манзиллар - ташқаридаги манзиллар ва қайтиш йўналиши.

2. Нидерланд Қироллиги тайинланган авиакорхонасига қуйида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновини амалга оширишга ҳуқуқ берилади:

Нидерландиядаги манзиллар - оралик манзиллар - Ўзбекистондаги манзиллар - ташқаридаги манзиллар ва қайтиш йўналиши.

3. Юқоридаги жадвалларда белгиланган йўналишлар бўйича ҳар қандай ёки барча оралик ва/ёки ташқаридаги манзиллар ҳар қайси ёки барча парвозларда тайинланган авиакорхона ихтиёрига биноан тушириб қолдирилиши мумкин, башарти, йўналишлардаги мазкур парвозлар авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги манзилдан бошланса ёки унда тугаса.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига юқорида белгиланган йўналишлар бўйича парвозлар такрорийлиги ва ҳаво қемаси тури бўйича ўриндиқларнинг ҳар қандай жойлашуви билан ҳеч қандай чеклашларсиз парвозларни амалга оширишга рухсат берилади.

5. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ҳар қандай оралик ва/ёки ташқаридаги манзиллар ўртасида мазкур манзиллар ва

бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги манзиллар ўртасида бешинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолда парвозларни амалга ошириши мумкин. Бинобарин, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бундай ҳаво эркинлиги бешинчи ҳуқуқидан бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларидан олдиндан олган рухсатига мувофиқ равишда фойдаланиши мумкин.